



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 13.01.2022 г. №16/2-008

между . "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Тахнатош тумани Мактабгача таълим булими (МБ) на общую сумму  
**98604000,00**

Глава \_\_\_\_\_ 251  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100022860352287091100251017

(в сумах)

Наименование месяцев 2021 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	32 868 000,00			32 868 000,00
Февраль	32 868 000,00			32 868 000,00
Март	32 868 000,00			32 868 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>98 604 000,00</b>			<b>98 604 000,00</b>

Всего 98604000,00 сум

Девяносто восемь миллионов шестьсот четыре тысячи сум 00  
тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 29581200 сум или 30% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в Указанном мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские ящики в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Курбанов Бабамирот Аразбаевич

Ф.И.О.

(подпись)

Сарсенбаева Айнура Даулбаевна

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г.

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ SH52182057

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Taxiatosh tuman «Hududgazta'minoti» AJ va Taxiatosh tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasidagi tabiiy gazni ulgurji iste'molchilariga etkazib berish va qabul qilish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Taxiatosh tuman «Hududgazta'minoti» AJ va Taxiatosh tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va Taxiatosh tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 18.01.2022yilda "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali berilgan.

Taxiatosh tuman «Hududgazta'minoti» AJ va Taxiatosh tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasidagi 2022 yil 13 yanvarda 16/2-008 sonli tabiiy gazni ulgurji iste'molchilariga etkazib berish va qabul qilish shartnoma loyihasi bir yilga tuzilgan.

### X u l o s a

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga, O'zbekiston Respublikasining qonuni Xo'jalik yurituvchi subektlari faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi 1998 yil 29 avgust 670-I-sonli amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29-iyundagi "Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5168 sonli qarorning 6-bandida, markazlar tomonidan yuridik xizmat ko'rsatilishi belgilangan tashkilotlar tomonidan Markazlar bilan kelishilmagan holda yuridik tUSDagi hujjatlar qabul qilinishiga yo'l qo'yilmaydi va bunday hujjatlar yuridik kuchga ega emas hamda ular qabul qilingan paytdan e'tiboran hech qanday huquqiy oqibatlarni keltirib chiqarmaydi deb ko'rsatilgan.

Mazkur qarorning 3-bob, 16 bandida yuridik xizmat ko'rsatiladigan tashkilotlar, shuningdek uning tarkibiy tuzilmalarining qonunchilik hujjatlari bajarilishini ta'minlamayotgan yoxud ularni buzayotgan rahbarlari va xodimlarini javobgarlikka tortish haqida tashkilotning rahbariyatiga takliflar kiritish huquqi bor ekanligi belgilangan.

Yuqorida keltirilgan qonun talablari asos Taxiatosh tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan, markazga buyruq, shartnoma, yuridik tUSDagi barcha hujjatlarni o'z vaqtida, to'liq qo'shimcha hujjatlarni ilova qilib "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali berishingizni ma'lum etamiz.

**Taxiatosh tumani Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i:**

yil



O.Babanov

13 yanvar 2022

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш  
 ШАРТНОМАСИ

2022 йил 13 01 16/2-08/8 Мамайташ райони  
 (шартнома тўридан тўри)

Низом асосида фаолият қилувчи: Мамайташ райони  
Донишёр ботаника  
 (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари В. Қурбанов.

томондан ҳамда Низом ва 2022 йил 01 01 да берилган 0-9-01/23 сонли  
 ишончнома асосида фаолият қилувчи: Қурултай Қудратиллоев  
 (газ таъминоти тарихлоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
 раҳбари А. Аҳмадов иккинчи томондан, қўбиндашлар тўғрисида  
 мажкур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орсали Истеъмолчининг  
 кейинчалик буюртмаюмаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)  
 етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг  
 1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда  
 тўловларин белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.
- 1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
 мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ  
 курилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
 ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.
- 1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган метрларга (Табиий газдан  
 фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (Бен  
 кўрсатилмаётган хизмат) нисбатан келгусен йилда газга асосланган эҳтимолий тақдим  
 этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қалар келгусен йилда истеъмол  
 қилиниш тахмин қилмаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериланган  
 газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 йилда  
 куб.м. нархи \_\_\_\_\_ минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар  
 бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	149400	минг.м3.	апрель	19800	февраль	49800	март	49800
II чорак		минг.м3.	апрель		май		июнь	
III чорак		минг.м3.	июль		август		сентябрь	
IV чорак		Минг.м3.	октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсими тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м. январь \_\_\_\_\_ февраль \_\_\_\_\_ март \_\_\_\_\_  
 II чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м. апрель \_\_\_\_\_ май \_\_\_\_\_ июнь \_\_\_\_\_  
 III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м. июль \_\_\_\_\_ август \_\_\_\_\_ сентябрь \_\_\_\_\_  
 IV чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м. октябрь \_\_\_\_\_ ноябрь \_\_\_\_\_ декабрь \_\_\_\_\_

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газини тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан наватдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) мuddатларда ва ҳажмда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санот ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичйда газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчинни хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари: \_\_\_\_\_

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинни газ етказиб бериш кискарттирилишига қадар камда 24 соат аввал бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилинганда кейин газ етказиб бериш дарҳол кискарттирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режими бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчинни оголдантирган ҳолда газ етказиб беришни чеklang ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган мuddатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соҳа холда фойдаланиши, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сифолаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларин олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимида ягона узлуксиз технологик жарёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекс буйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги буйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м3 газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кیمیёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари буйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартда автоматик равишда келтириدىغان газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балисида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчаю комплекс унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчаю комплекс таълими тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишिलाди. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаю прибори ва ёки ўлчаю комплекс газ

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатгани ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутланига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўри ишлашни кузатиш хужукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишда гайригабний ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекс фаолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп эмасган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олинган жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугатганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугатган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзошимчалик ечиб қуйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздирилган газ бурларидан ёки ГТШларда асбоб-усқуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ

истеъмолчин ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига улашини лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатитиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қуйилдиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник таъсирлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестацияга эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўригидан ва ёки метрологик аттестациядан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилади.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигидан метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режадаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибровка, тораёйиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режадаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибровка, тораёйиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг эгаси мақаради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шарондаги эриқлик, азот ва карбонат антиларни) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув куйини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қўрилмаси ўрнатилган ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланганлик факти бўйича асослангувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) — бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегара остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзстандарт" агентлиги бўлимларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўлоқлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарини ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи маъкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмаган даврини кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдида тўловиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан жустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қалар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва солигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, кеска туташув ва ҳ.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабдан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ уловати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қуваат билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нарихлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонулда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг асосий тарихида тўланган ҳажми учун тўлов қундан бошлаб кўли билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озода қилинади.

## V. ХУКУБЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томондан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукубузарликларга йўл қўйилши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томондан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озода қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА КАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилушига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;  
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда оқдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтигазиспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсонлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тароҷ қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бош берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайд.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчинин хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томондан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томондан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томондан ҳисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисоббарак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасига ҳақ бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кундан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисоббарак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламастик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озода қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий ақс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойн тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчида дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томондан қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш макддорининг ўн баравари макддорига ҳақ ундирилади. Шартномаининг 13.1.-бандида кўрсатилган холлар бундан мустансно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ПГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларини масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайдн.

#### VII. ТАРАФЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечирини;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларин, электрон маълумотларининг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашинини таъминлаш;

- шартноманин 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохланттиришарез тармоқдан ўчирини;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилнч органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида қелишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгарттиришлар киритини;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажарини;

- техник хизмат кўрсаттиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларининг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатини;

- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

- охват тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- исек сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мудат ичида алмаштирини;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқарттириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечини;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан қелишмасдан ва уни оғохланттирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки қечлаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан оғохланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш делолатномасини ва ҳисоб-парақасини расмийлштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати хақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вақиллари ва "Ўзнефтигазиспекция" ҳодимларининг (тегишли тувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қунининг исталган вақтида эркин кўздан кечиринини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларин бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгарттириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;



- табиий газ истеъмоллини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмоллини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатил.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмоллини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун туланган суммани қайтарishi;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдориде жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фойлиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар.

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тулашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима тулашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати туланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда туланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориде, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тулайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мудатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида туланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тулайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Уйбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тadbик этилишини йфодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

## X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзига келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга икдор.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### ХI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар:

б) магистрал газ қурувларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қўйилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмаг кучлар туфайли солир бўлган табиий офатлар, хуусан, сел, ёғир, сув тошқини, ёгин чикши, ер қимирлаши, вируе тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаЙ қолганда жавобгарликка жалб этилмагедан, газ етказиб беришни тўхтатиш, юскартариш ёки муносабатларни тўхтатиш ХУКУМГА ЭГА бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа носитаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, қўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сақланиб турса, томонлар муокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

### ХII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга қиради.

12.3. Шартнома \_\_\_\_ йил 31 декабрдача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили \_\_\_\_ йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дарвоолари дарво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

### ХIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Қарорини қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮ) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусxada тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудга Қоракалиновистон»	«ИСТЕМОЛЧИ»
Манзил: Тел/факс: Нукус шаҳри, Бердах гуазири №179	Манзил: <u>Мажбурий ижро Райони</u> <u>Воҳташир ботқоқи</u> (бюджет ташкилотлари, ҳўжалик юригувчи субъектлар номи)
КТУТ коди <u>35220</u>	Почта манзили: <u>Мажбурий Ижро Райони</u> <u>Воҳташир ботқоқи 34</u>
Боголаши телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	ОКПО коди _____
М/Р: _____	ОКЭЛ _____
Банк номи: «ЎзсанопКурчилиш банк Россия филиали»	Мулоқот телефони: <u>67-572-34-60</u>
МФО: 00435	Ғаз/А <u>2402003000001010</u>
ИНН: 306605769	Банк номи: _____
ХР <u>206340040513960524</u>	МФО <u>0004</u>
Рақобар: <u>У.А.Иматов</u>	ИНН <u>204266592</u>
(ф.и.ш.) _____	ш/х <u>100020800522990210025</u>
Илсова: _____	ХР _____
Мухр ўрни _____	(теънавичле бўлими номи)



Юридик маълумотли Амуров  
Юридик Мақорар созиластуват тўрбонасини  
Ғазначилик кодекси ва Эконом Республикасини  
(Ф.И.Ш.)  
Ўзбекистон Республикасини  
давлeтчилик қонунчилиги субъектини”  
Юрист  
« 14 » д 20 22 г.

2022-й жилын 13-р сарын 01-дэглэ  
16/2-007-сон шартномыга  
ИДОВА

Фойдаланышта кабул кылганын гэгдэн фойдаланыш ускууцлырны  
рҮЙНАГТИ

Фойдалын турин: миш - гол

Кадестр №											

Табигий газ тарифи 600 сүм түийн

№р	Дорнод, үчүскээ, үетх мөдөн	Адресжлар		Делициятай газ сүрфи, чарууфонт	Гегдэн хэбэрчүлгүн гегдэн борборларын турларга
		ногч	сонни		
1-мшб					Түрмүү - с - 10
2-мшб					Түрмүү - с - 15
3-мшб					Авокадо - 15
4-мшб					Авокадо - 15
5-мшб					Авокадо - 15
6-мшб					Түрмүү - с - 15
7-мшб					Түрмүү - с - 10
8-мшб					Түрмүү - с - 15
9-мшб					Түрмүү - д - 15
10-мшб					Түрмүү - д - 10
11-мшб					Түрмүү - с - 15
12-мшб					Түрмүү - с - 40
13-мшб					Түрмүү - с - 15
14-мшб					Авокадо - 15
16-мшб					Түрмүү - с - 10

Көлтүргөнгөн:  
14-мшб  
16-мшб

Бүлэцкүл берүүрүн (Ф.Н.И.Ш.)

Гегдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Мүсэр-Ирэн

Имээси

1. 05

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

Хүрмүтэй гэгдэн борборларын турларга

